

**ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ОШИРИШГА  
ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ**

*Тайёрлади Чилонзор туман 2-сон касб хунар мактаби*

*“Махсус фанлар” кафедраси ўқитувчиси:*

*Джумаева Гулнора*

ХВЖ Украинадаги урушнинг салбий оқибатлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 2022 йилда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш прогнозларини 6 фоиздан 3–4 фоизгача пасайтирганини маълум қилди. Шунингдек, жорий операциялар ҳисоби дефицити ЯИМга нисбатан 9,5 фоизгача ўсиши, инфляция кўрсаткичи 12 фоиз даражасида сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Украинадаги урушнинг салбий оқибатлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 2022 йилда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш прогнозларини **6 фоиздан 3–4 фоизача пасайтирганини** маълум қилди. Ташкилот буни Украинадаги уруш ҳамда Россияга нисбатан жорий этилган санкциялар фонида юзага келган ноаниқликлар ва пандемиянинг қайта авж олиши билан боғлиқ бошқа рискларнинг мамлакат иқтисодиёти учун потенциал салбий оқибатлари билан изоҳламоқда.

ХВЖ хулосасига кўра, Ўзбекистон пандемия оқибатларини муваффақиятли енгиб ўтган бир пайтда, Украинадаги уруш ҳамда Россияга нисбатан жорий этилган санкциялар мамлакат иқтисодиёти учун янги ноаниқликни келтириб чиқарди ва унинг ривожланиш истиқболларига салбий таъсир кўрсатади. Россия Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкори, пул ўтказмалари ҳамда энергетика ва тоғ-кон саноатини молиялаштиришнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Савдодаги узилишлар, ёқилғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши ҳамда глобал молиявий шароитларнинг кескинлашуви ортидан мамлакат иқтисодий ривожланишига қўшимча чекловлар юзага

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

келади. Волатиллик ва ноаниқлик бироз вақт давомида юқорилигича қолиши кутилмоқда. Россиядан кириб келадиган пул ўтказмалари ва молиялаштиришнинг қисқариши, етказиб бериш занжиридаги кутилаётган узилишлар ва бошқа сабабларга кўра мамлакатда истеъмол ва инвестицияларнинг қисқариши кутилмоқда.

Жорий операциялар ҳисоби дефицити **ЯИМга нисбатан 9,5 фоизгача ўсиши** прогноз қилинмоқда, айни пайтда пул ўтказмаларининг қисқариши импортнинг камайиши ва хомашё товарлар экспортидан олинадиган даромадларнинг ошиши ҳисобига қисман қопланади. Жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи нархларининг кескин ўсиши туфайли 2022 йилда **инфляция кўрсаткичи юқори — 12 фоиз** даражасида сақланиб қолиши кутилмоқда.

Ташкилот мазкур прогнозлар юқори ноаниқлик билан тавсифланишини ҳамда прогноз кўрсаткичларнинг эҳтимолий пасайиш хавфини қайд этган. Хусусан, бу каби рисклар урушнинг кучайиши ва санкциялар, шунингдек, COVID-19 вирусининг янги штамлари пайдо бўлиши ортидан пандемиянинг қайта кун тартибига чиқиши билан боғлиқ. Ташкилотга кўра, мамлакат аҳолисининг янада кўпроқ қисми вирусга қарши вакцинация қилинишини таъминлаш мақсадида иммунизация дастурларини давом эттириш зарур. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бошқа асосий савдо ҳамкорлари, жумладан, Хитой, Туркия ва Қозогистонда иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши ва хомашё нархларининг эҳтимолий волатиллиги ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

ХВЖнинг таъкидлашича, ҳукумат Украинадаги уруш оқибатларининг мамлакат иқтисодиётiga салбий таъсирини юмшатиш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг заиф қатламини моддий қўллаб-қувватлаш, макроиктисодий ва молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда савдо каналлари ва молиявий оқимлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан қарорлар қабул қилди. Хўжалик юритувчи субъектлар халқаро транзакцияларни санкцияга учрамаган каналлар орқали

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

амалга ошироқдалар. Бироқ кенг кўламли логистика муаммолари етказиб бериш билан боғлиқ кечикишларга ва харажатларнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

Қайд этилишича, 2022 йилда мамлакатда иқтисодий тикланиш суръатининг пасайиши шароитида йиллик режалаштирилган фискал консолидация кўламини қисқартириш мумкин. Мутасадди органларга келгуси йилларда бюджет дефицитини ЯИМГа нисбатан 3 фоиз даражасида чеклаш мажбурияти юклатилгани ҳисобга олинса, Ўзбекистон қарз инқирози хавфи паст бўлган худудда қолмоқда. Халқаро захираларнинг юқори даражаси ва қарз мажбуриятларининг узоқ муддатлари қарз инқирози юзага келиши хавфини янада камайтиради.

Ташкилотнинг қайд этилишича, монетар сиёсат олдида инфляцияга қарши кураш ва иқтисодий тикланиши давом эттириш ўртасида мувозанатни таъминлашдек мураккаб вазифа турибди. «Амалдаги сиёсат нархга нисбатан босимни ушлаб туриш ва инфляцияни Марказий банкнинг ўрта муддатли мақсадли кўрсаткичи даражасигача босқичма-босқич пасайтириш учун ўринлидек. Бироқ иқтисодий сиёсатнинг таъсири амалда молиявий воситачиликнинг паст даражаси, долларлаштиришнинг юқори даражаси, шунингдек, имтиёзли кредитлаш дастурлари билан чекланганлигича қолмоқда. Бундай вазиятда ,озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи нархлари босими асосий инфляция кўрсаткичига янада кенгрок таъсир қилган тақдирда, инфляция тенденцияларининг олдини олиш учун монетар сиёсатни янада қатъйлаштириш талаб этилиши мумкин... Валюта курсининг мослашувчанлиги қисқа муддатли волатилликни юмшатиб, ташқи шокларни ўзлаштиришга ёрдам беради», — дейилади ХВЖ холосасида.

Пандемия даврида банк тизимида муаммоли кредитлар (NPL) сезиларли даражада ўсиши кузатилди. Кредитлаш кўлами барқарор суръатларгача секинлашганига қарамай, пандемиянинг салбий оқибатлари ва ўтган даврда тақдим этилган кредитлар мажбуриятлари кенгайиши яна юзага чиқиши мумкин. Россия банкларига киритилган санкциялар режими фонида

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

---

савдо ва пул ўтказмаларининг қисқариши Ўзбекистон банкларида муаммоли кредитлар ҳажмининг ошишига олиб келиши мумкин.